

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Ўст

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 55 — 56

(2592 — 2593)

1993 йил

16 июль

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРҲДА

БУГУНГИ СОНДА:

5-БЕТ.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Наманган вилоят
ИИБ фахрийлар
кенгашининг
фаолияти ҳақида.

6, 7-БЕТЛАР.

ОЙНАИ ЖАҲОН
КЎРСАТУВЛАРИ
БИР ЙИЛДАН СЎНГ
ажойиб китоб қўлингизга
тегади...

8-БЕТ.

“ЭКСТРАСЕНС”
КЕЛИН
Ҳажвия ва
ҳангомалар.

Милиция старшинаси
Баҳодир Муродов, мана ўн беш
йил бўлибдики, Уйчи тумани ич-
ки ишлар бўлимида хизмат
қилиб келади. Қандай вазифа
топирилмасин, уни виждонан
бажаришга, ҳар бир қақирққа
доимо ҳозир туришга
одатланган.

СУРАТДА: милиция аълочиси
Б.Муродов (ўнгда) ва милиция
катта сержанти Нормирза
Қаҳҳоров ерданчилари “Ганга”
билан навбатдаги қақирқ
бўйича йўлга ҳозирланишмоқда.
Э.УМАРОВ олган сурат.

“ҚОРАДОРИ — 93”

ГИЁҲВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ ВА...

ШАҲЗОДАНИНГ ишқи курбақага
тушибди деганларидек, айрим дуппа-
дуруст одамларнинг кўкнори
ўстиришга бел боғлаганлигидан ди-
линг ранжийди. Қўлга тушгач эса
ҳозирги иқтисодий тақчилликни
баҳона қилиб, шу зормандани
ўстирганларидан минг пушаймон
бўлишди. Баҳона эса ҳеч вақт тош
босмайди.

Айни шу кунларда вилоятимиз
миқёсида “Қорадори” тадбири
ўтказилиши натижасида айрим
шахсларнинг гиёҳванд ўсимликларни
мунтазам ўстириш билан
шугулланаётганлиги кўзга чалинади.
Жумладан, Қарши туманининг
Пахтазор қишлоғида яшовчи Х.
Ҳамидовнинг томорқасидан кўкнори
ўсимлиги гуллаб, шира боғлаб ётган
пайтда ўриб олинди. Бу кўкнори 300
туп экан. Х. Ҳамидова ҳудди гулни
парваришлаётгандек, инсон
соғлигининг душмани бўлган бу
ўсимликларни етиштирибди (пулни у
жарақлатиб санаб олсин, жабрини
бошқалар тортсин!). Ёшини яшаб,
ошини ошаб қўйган қарияларнинг
кўкнори ўстираётганлигини
кўрганларидек, гиёҳванд моддаларни
ўстирган шахсларнинг айрим-
ларининг номуни тилга олдик. Бу
рўйхатни яна давом этиши бизни
афсуслантиради.

Вилоятимиз ички ишлар
ҳодимларининг саъй-ҳаракатлари
туфайли “Қорадори” тадбири
муваффақиятли ўтмоқда. Қўли эгри,
ўз манфаатини бошқалар
манфаатидан устун қўювчи, фойда
деганда ўзини томдан ташловчи
шахслар топилиб, уларга қонунда
кўзда тутилган модда бўйича чора
кўриломоқда. Бу тадбир ҳали давом
этади. Токи халқимиз жамиятининг
қора иллоти саналган гиёҳвандлик
жабрини тортмасин.

Ў. Акрамовнинг ҳовлисида 800 туп,
Чироқчи туманининг “Меҳнатобод”
хўжалигида яшовчи Д. Тўқсоновнинг
ҳовлисида 320 туп кўкнори топилиб,
йўқ қилинганини фикримизнинг
далилидир.

Косон тумани, Чуваляк ширкати
хўжалигида яшовчи Р. Оллаёров эса
21 минг 830 туп кўкнори ўстириб,
ундан катта фойда олмоқчи бўлган.
Бироқ унинг оши ўзига татимайдиган
бўлди. Милиция ходимларининг саъй-
ҳаракатлари натижасида
фойдахўрнинг орзуи саробга
айланди.

Муборак шаҳрида яшовчи Н.
Абдурахмонова мунтазам наша сотиш
ва истеъмол қилиш билан шугулланиб
келган. Унинг уйдан 110 грамм
нашага мансуб яшил талқон
олинганлиги фикримиз гувоҳидир.

Ҳа, ҳамир учидан патир
деганларидек, гиёҳванд моддаларни
ўстирган шахсларнинг айрим-
ларининг номуни тилга олдик. Бу
рўйхатни яна давом этиши бизни
афсуслантиради.

Вилоятимиз ички ишлар
ҳодимларининг саъй-ҳаракатлари
туфайли “Қорадори” тадбири
муваффақиятли ўтмоқда. Қўли эгри,
ўз манфаатини бошқалар
манфаатидан устун қўювчи, фойда
деганда ўзини томдан ташловчи
шахслар топилиб, уларга қонунда
кўзда тутилган модда бўйича чора
кўриломоқда. Бу тадбир ҳали давом
этади. Токи халқимиз жамиятининг
қора иллоти саналган гиёҳвандлик
жабрини тортмасин.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ
матбуот гурӯҳининг катта
нозир, ички хизмат катта
лейтенанти.

...УНИНГ ИСБОТИ

ФОЖИА билан яқунланган бу
воқеа июнь ойида Хоразм вилоятининг
Ҳазорасп туманида юз берди.
Тумандаги безини куйиш тармоғида
ишлайдиган Отаназар Раҳмоновни
кўргани унинг танишлари — вилоят
марказида яшовчи Раҳмонберган
Ёқубов, Шоназар Юсупов ва Урганч
туманида яшовчи Нуриддин
Жуманазаровлар келишган. Отаназар
учун уларнинг нимага келгани
равшан: меҳмонларга унда бўлган
гиёҳвандлик моддалари керак бўлиб
қолган эди. Лекин сири очилиб
қолишини истамаган ва бу
ғайриқонуний ишини тўхтатишни
ўйлаб юрган Отаназар ишчи кўпчилигини
баҳона қилиб, меҳмонларни ўз
машинасида вокзалга олиб бориб
қўйди ва кейинроқ гиёҳвандлик
моддаларини келтириб беришни
ваъда қилди.

Меҳмонлар эса узок вақт ўйлаб
ўтирмай яна Отаназарнинг уйига йўл
олдилар. Қутилмаган меҳмонлардан
халос бўлишни ўйлаган меҳмон ҳали
уйга қайтмаган эди. Уй бекаси
меҳмонларни уйга қўймади. Улар
кўчада Отаназарни кутиб ўтиришди.

Қоронги тушиб, кўчаларда ҳеч
нарсани кўриб бўлмай қолди.
Меҳмондўстлик қонунини устун келиб,
уй бекаси Отаназарни кутиб ўтирган
кишиларни уйга қўйишга мажбур
бўлди.

Қоп-қоронғида уйга қайтган
Отаназар, тўғрисида айтганда, уч
оғайнини кўриб унча
таажжубланмади ҳам.

— Тезроқ дорини бер! — деб
талаб қилди Шоназар. Одатланилган
ҳаракатлари билан у шприцнинг учини
томирига тикди...

Хуш ёқадиган хузуру ўрнига у бутун
танини қоплаб олган кучли
огрикни ҳис этди. Бир неча дақиқадан
сўнг юз берган ўлим уйдагиларнинг
ҳаммасини додиратиб қўйди.
Гиёҳвандлик моддаси томирга
нотўғри киритилганини кейинроқ
мутахассислар аниқлаб беришди. Уй
эгалари қақиртирган ички ишлар
идоралари ходимлари ўтказган тинтув
ўз самарасини берди. Бу иш юзасидан
тергов давом этмоқда.

Г. РЎЗМАТОВА,
Хоразм телевидениеси
муҳаррири.



Икки жума оралиғида

ЖУФТАКНИ РОСТЛАДИЛАР

Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумандаги 5-ки-
чик туманда яшовчи, 1952 йилда туғилган Г. Р.
нинг уйига икки номаълум шахс бостириб кирди.
Босқинчилар хонадон бекасига дўқ-пўписа
қилиб, 570 минг сўм пул ва умумий қиймати 800
минг сўмлик нарсаларни йиғиштириб олиб,
жуфтакни ростладилар. Жиноятчиларни ушлаш
чоралари кўриляпти.

РЕЙСДАН ҚОЛДИРИЛДИ.

Шеробод темир йўл станциясида ўтказилган
тезкор тадбир натижасида Ашгабат — Термиз
йўналишидаги поезднинг 20-вағони кузатувчиси,
Ашгабат шаҳрида истиқомат қилувчи, 1967 йилда
туғилган Б.Б. купесидан уч килограмму 500 грамм
қорадори топиб олинди. Б.Б. шу кунни йўлдан
қолдирилиб, ички ишлар бўлимига келтирилди.

ТУНДАГИ ПОРТЛАШ

“РГД-5” жанговар гранатасининг тундаги
портлаши Чирчик шаҳридаги Рудакий кўчаси
аҳолисини уйқудан уйғотиб юборди.

Маълум бўлишича, шаҳар уй-жой қурилиш
идораси ишчиси, 1949 йилда туғилган В. К. уйига
жанговар граната олиб келган ва эҳтиётсизлик
орқали гранатани портлатиб юборган. Натижада
В. К. воқеа жойида ҳалок бўлган, унинг рафиқаси,
шаҳар жамғармаси банки ишчиси, 1950 йилда
туғилган П. Б. огир тан жароҳати олиб,
касалхонага ётқизилди. Граната олинган манба
аниқланмоқда.

ҚАЛЛОБ УШЛАНДИ

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги деҳқон
бозорида ўзларини милиция ходимлари деб
таништирган тўрт нафар номаълум шахс “Олмос”
ишлаб чиқариш бирлашмаси вакили, 1947 йилда
туғилган В. Р. ни давлат белгиси аниқланмаган
автомашинага ўтказиб, тўппонча ўқталиб 3 мил-
лион сўм пул топиб беришини талаб қилганлар.
Сўнг унинг уйига келишиб, 100000 сўм пул, 50

немис маркаси ва нархи 130000 сўм турадиган
радио, телеви́зир эҳтиёт қисмларини тортиб
олганлар.

Кўрилган тезкор чора-тадбирлар самарали
бўлди: Ўсмир кўчасида истиқомат қилган, ҳеч
қаерда ишламайдиган А. шубҳа билан қўлга
олинди. Уйда тинтув ўтказилганда босқинчилик
йўли билан ўзлаштириб олган далилий ашёлар
топилиди. Унинг ҳамтовоқлари қидирилмоқда.

ЯЙЛОВДАГИ ЗЎРАВОНЛИК

Богот туманидаги Навой номи жамоа
хўжалиги чўпони, 1966 йилда туғилган О. О.
яйловда қўиларни боқиб юрарди. Бир пайт
“КамАЗ” автомашинасида икки номаълум шахс
келиб, чўпоннинг бошига урди ва 3 бош қўйни
олиб кетди.

Қўй ўғрилари ушлаш чора-тадбирлари
кўриляпти.

ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

Самарқанд аэропортидан Москвага учётган
йўловчи, ҳеч қаерда ишламайдиган В. У. нинг
енидан 6 килограмму 550 грамм наша чиқди. В. У.
рейсдан қолдириб, устидан жиноий иш
қўзғатилди.

ИМКОНИЯТ ИШГА СОЛИНАЁТИР

Учкўприк туманидаги “Комсомол” жамоа
хўжалигида яшовчи уй бекаси, 1960 йилда
туғилган С. Й. нинг тўрт ойлик Рўзали исмли
ўглини номаълум шахс туман бозори олдида
ўғирлаб кетди. Жиноятчини ушлаш учун бутун
имконият ишга солинаётир.

МАҲСУЛОТ ЎҒИРЛАНДИ

Қувасой шаҳар А. Икромов номи жамоа
хўжалигида жойлашган яшиқ ишлаб чиқариш
цехидан тунда 270.000 сўмлик тайёр маҳсулот
ўғирлаб кетилди. Яшиқ ўғрилари аниқланмоқда.

ҚЎЛБОЛА ТЎППОНЧА

Андижон шаҳридаги Чинобод кўчасида
истиқомат қиладиган, ҳеч қаерда ишламайдиган,
1967 йилда туғилган М. Т. нинг енидан қўлбола
тўппонча топилиди.

Т. МУРОДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

ҲАВО КОДЕКСИ

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Самовий ҳудуд суверенитети
Республиканинг қуруқликдаги ерлари ва сув ҳавзалари устидаги самовий ҳудудига Ўзбекистон Республикаси тўла ва танҳо эгадир қилади.

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди Ўзбекистон давлат ҳудудининг ажралмас қисмидир.

2-модда. Самовий ҳудуддан фойдаланишни ва авиация фаолиятини тартибга солиш

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланишга ҳамда ундан фойдаланувчи барчанинг, шу жумладан авиациянинг фаолиятига тааллуқли муносабатлар республика ҳудудида ушбу Кодекс ва республиканинг бошқа қонун ҳужжатлари билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом билан, шунингдек авиация маъмурияти ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида парвоз қилиш қоидалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимида ушбу Кодекс ёки республиканинг бошқа қонун ҳужжатларидаги қоидалардан бўлак қоидалар назарда тутилган бўлса, у ҳолда халқаро битим қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг амал қилиш доираси

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаво кемалари парвози хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалиги ва фуқаролари эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди; фақат фуқаро авиациясигагина тааллуқли 24, 25, 33, 38,

43-46, 50, 53, 54, 56, 57, 94-135-моддалардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг барча авиацияси учун тааллуқлидир.

4-модда. Самовий ҳудуддан фойдаланиш ва авиация фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати

Самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ самовий ҳудуддан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назоратини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасига юкланади.

Фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти амалга оширади.

Давлат авиацияси фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни ўз ваколатлари доирасида Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ давлат бошқарувининг бошқа органлари амалга оширади.

5-модда. Давлат тасарруфда бўлмаган ташкилотлар ва фуқароларнинг самовий ҳудуддан фойдаланиш ҳамда авиация фаолиятини тартибга солиш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштироки

Тижорат, жамоат ва давлат тасарруфда бўлмаган бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролар самовий ҳудуддан ва авиация фаолиятини амалга оширишда ҳамда хавфсиз фойдаланиш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат органлари юқорида зикр этилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида тижорат, жамоат ва давлат тасарруфда бўлмаган бошқа ташкилотларнинг ҳамда фуқароларнинг таклифларини ҳисобга олади.

фойдаланадилар ва бир хилда жавобгар бўладилар.

Самовий ҳудуддан фойдаланишдан манфаатдор бўлганлар иккита ва бундан ортқ бўлса, самовий ҳудуднинг маълум қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги устиворлик бўйича берилади:

а) ҳаво ҳужумини даф этиш ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси бузилишининг олдини олиш ва чегара бузилишини тўхтатиш, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий бутунлиги, сиёсий мустақиллиги ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган куч ишлатишни ёки куч ишлатиш таҳдидини бартараф қилиш учун;

б) одамларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф солувчи ёки катта иқтисодий зарар етказиш хавфини тугдирувчи табиий ҳамда бошқа офатларда, фалокатлар, авариялар, авария ҳолатларида ёрдам кўрсатиш учун;

в) космик аппаратлар ва уларнинг экипажларини учуриш, қўндириш, қидириш ва эвакуация қилиш учун;

г) самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилишининг олдини олиш ёки тартиб бузилишини тўхтатиш учун;

д) ҳаво кемаларининг қатнови ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга ошириладиган ўзга фаолият учун;

е) ҳаво кемаларининг қатнови ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида биноан амалга ошириладиган бошқа фаолият учун;

ж) йўловчиларни мунтазам ташиш учун;

з) Ўзбекистон Республикаси, шунингдек ўзга давлатлар ҳарбий авиациясининг махсус қоидалари асосида амалга ошириладиган парвозлар учун;

и) экспериментал ва илмий-тадқиқот ишлари учун;

к) юк ва почтани мунтазам ташиш учун;

л) юкларни номунтазам ташиш учун, халқ ҳўжалиги манфаатларини кўзлаб авиация ишларини ва бошқа юмушларни амалга ошириш учун;

м) ўқув, кўргазмалар, маданий-маърифий ҳамда бошқа тадбирларни амалга ошириш учун;

н) фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолият

учун;

о) бошқа фаолиятлар учун;

10-модда. Самовий ҳудуддан фойдаланишни илдам бошқарувчи органлар

Самовий ҳудуддан фойдаланишни ушбу Кодекснинг 4-моддасида кўрсатилган органлар ўз ваколатлари доирасида илдам бошқарадилар.

11-модда. Самовий ҳудуддан фойдаланишга рухсат бериш

Зарур хавфсизлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда ва фақат ушбу Кодекснинг 4-моддасида кўрсатилган органлардан Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси (СХФБ) органлари орқали рухсат олинганидан кейингина самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга ижозат берилади.

Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси органларининг кўрсатмалари самовий ҳудуддан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурийдир.

12-модда. Самовий ҳудуддан фойдаланишни тақиқлаш ва чеклаш

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан ёки унинг айрим минтақаларидан ушбу Кодекснинг 6-моддасида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиш Самовий ҳудуддан фойдаланиш бошқармаси органлари томонидан тақиқланиш ёки чекланиши мумкин.

13-модда. Алоқани ташкил этиш

Самовий ҳудуддан фойдаланишдан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар Авиация маъмурияти, Мудофаа вазирлигининг тегишли органлари билан, самовий ҳудуддан ҳаво кемаларининг парвози учун фойдаланилган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳужумидан мудофаа органлари билан ҳам алоқа каналлари ташкил қилишга мажбурдирлар.

Алоқа корхоналари фойдаланувчиларга зарур алоқа каналларини ва воситаларини ижарага берадилар. Хизматга берилган алоқа каналлари ва воситалари ишдан чиққан тақдирда улар белгиланган тартибда бошқа алоқа каналлари ва воситалари билан алмаштирилиши лозим.

Умумий фойдаланишдаги барча халқаро ва шаҳарлараро телефонлар ҳамда телеграфини Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг корхоналари ўрнатадилар ва ишлатадилар.

14-модда. Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибининг бузилиши

Ушбу Кодексга ва унинг асосий ишлаб чиқилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид равишда Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тартибини бузиш деб эътироф этилади.

Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибига риоя қилишни назорат этувчи органлар самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибини бузишнинг олдини олиш ёки тўхтатиш чораларини кўришга мажбурдирлар.

Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилишга йўл қўйган самовий ҳудуддан фойдаланувчилар юқорида зикр этилган органларнинг талабига биноан йўл қўйилган тартиб бузилишини ёки тартиб бузилишга олиб келадиган фаолиятни ўз ҳисобларидан ва ўз кучлари билан тугатишлари лозим.

15-модда. Тартиббузар ҳаво кемаси

Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини бузган ёки Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тартиби бузилишга йўл қўйган ҳаво кемаси тартиббузар ҳаво кемаси деб ҳисобланади ва самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибига риоя қилишни назорат этувчи органларнинг талабига бўйсунмаса, ерга қўнишга мажбур этилади.

Тартиббузар ҳаво кемаси қўниш тўғрисидаги буйруқни бажармаган тақдирда самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби атайлаб бузилаётгани ва бу билан Ўзбекистон Республикаси суверенитетига, ҳудудий бутунлигига, сиёсий мустақиллигига ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солиб куч ишлатилаётгани ёки куч ишлатишга уриниш бўлаётгани дейиш учун мантикий асос бўлиб, бундай тартиб бузилишни ўзга воситалар билан тўхтатиб бўлмайдиган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қурол ва жанговар техникани ишга солишлари мумкин.

Агар тартиббузар ҳаво кемасида самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилишига алоқаси йўқ йўловчилар ёхуд бошқа шахслар борлиги ҳақида ишончли маълумот бўлса, қурол ва жанговар техника ишлатилмайди.

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудига асоссиз кирган ва унга кириш шартларига риоя этмаган, шунингдек самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилган бошқа ҳолларда ҳам ҳаво кемаси қўнган аэродромда ушлаб турилиши мумкин.

Тартиббузар ҳаво кемасининг бундан кейинги парвозига тартиб бузилиши текшириб чиқилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда кўрсатилган йўсинда рухсат этилади.

16-модда. Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик

Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартиби бузилган ҳар бир ҳол Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ текшириб чиқилиши лозим. Самовий ҳудуддан фойдаланиш тартибини бузишда айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида биноан тортиладилар.

17-модда. Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият

Электр узаткич объектлари ва линияларини қуриш; самовий ҳудудда электромагнит, ёруғлик, акустик, корпускуляр ва бошқа нурланишлар тарқатувчи ишлар; қушларнинг гўж бўлиб тўпланишига ёки парвоз пайтида қуришнинг ёмонлашувига сабаб бўлувчи объектларни жойлаштириш, шунингдек самодда моддий объектлар ҳаракати билан алоқаси бўлмаган, аммо ҳаво кемаларининг, бошқа учувчи аппаратларнинг парвози, жиҳозлари ва улардаги шахслар хавфсизлигига таъсир этувчи ҳар қандай бошқа фаолият парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятлар жумласига кириди.

18-модда. Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш

Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рухсат олинганидан кейингина амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолият устидан назоратга 4-моддада санаб ўтилган органлар амалга оширади.

Ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлигига таҳдид солувчи фаолиятини амалга ошириш қоидаларини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар шу қоида бузилишларни ўз ҳисобларидан ва ўз кучлари билан бартараф қилишлари, улар бартараф қилингунича эса бундай фаолиятни тўхтатишлари шарт.

19-модда. Ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият ҳақида хабар бериш

Ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларнинг улар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият амалга ошириладиган районларга бехосдан кириб қолишининг олдини олиш учун бундай фаолият билан машғул бўлган орган ёки шахс самовий ҳудуддан фойдаланувчиларни кўрсатилган фаолият амалга ошириладиганлиги тўғрисида аэронавигация ахбороти хизмати орқали хабардор қилади.

20-модда. Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи объектларга белгилар қўйиш

Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи бино ва иншоотларнинг эгалари парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти белгиланган талабларга мувофиқ, бу объектларга ўз ҳисобларидан тунги ва кундузги белгилар ҳамда мосламалар ўрнатишга мажбурдирлар.

21-модда. Аэродромлар минтақасида белги ва мосламалар ўрнатиш

Аэродромлар минтақасида аэродромларни таниш учун ўрнатиладиган махсус белгилар ва мосламаларга ўхшаш ҳар қандай белги ва мосламаларни жойлаштириш тақиқланади.

22-модда. Суратга ва кинога олиш, радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш

Ҳаво кемасидан суратга олиш ва кинога тушириш ҳамда радиоалоқа воситаларидан фойдаланишга 4-моддада қайд этилган органлар томонидан белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

ҲАВО КОДЕКСИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

III БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВИАЦИЯСИ

II БОБ. УМУМий ҚОИДАЛАР

23-модда. Ўзбекистон Республикаси авиацияси таркиби

Ўзбекистон Республикаси авиацияси экспериментал, давлат ва фуқаро авиациясига бўлинади.

Авиация ва бошқа техника соҳасида тажриба — конструкторлик, экспериментал ва илмий-тадқиқот ишлари ҳам синовлари учун мўлжалланган авиация экспериментал авиация ҳисобланади.

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидоги ҳарбий авиация давлат авиацияси ҳисобланади. Экспериментал ва давлат авиацияси таркибига кирмаган авиация фуқаро авиацияси ҳисобланади.

24-модда. Фуқаро авиацияси

Фуқаро авиациясидан а) йўловчилар, уларнинг қўл юклари, юklar ва почта (ҳаво транспортида ташилладиган) ташиш;

б) авиация ишларини бажариш; в) ўқув, спорт, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, техникавий ижодкорликни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланиладилар.

Қайд этиб ўтилган мақсадларда пулли ва кира қилиш тарзида фойдаланиладиган фуқаро авиацияси тижорат авиацияси деб эътироф этилади.

Қайд этиб ўтилган мақсадларда бепул ҳамда ёлланмай фойдаланиладиган фуқаро авиацияси умумий аҳамиятдаги авиация деб эътироф этилади.

25-модда. Авиация воситаларига мулкчилик Авиация воситалари: ҳаво кемалари, аэродромлар, аэропортлар, техникавий воситалар ҳамда ҳаво кемаларининг парвозини ташкил этиш, бажариш ва таъминлаш учун зарур бўладиган бошқа мол-мулк хусусий ва давлат мулки ёки бошқа шаклдаги мулк бўлиши мумкин.

Авиация воситаларидан мулк сифатида сотиб олиншига қарши, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, чеклашлар ўрнатилиши мумкин эмас.

III БОБ. АЭРОДРОМЛАР, АЭРОПОРТЛАР

26-модда. Аэродромлар таснифи

Ҳаво кемаларининг учини, қўниши, бурилиши, тўхтаб туриши ва уларга хизмат кўрсатилиши учун мўлжалланган, зарур бино, иншоотлар ва анжомлар билан махсус жиҳозланган қуруқликдаги ёки сув сатҳидаги участка аэродром деб эътироф этилади.

Аэродромлар авиация турига мансублигига кўра фуқаро авиацияси аэродромлари, давлат авиацияси аэродромлари ва экспериментал авиация аэродромларига бўлинади.

Аэропорт — ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишга, ҳаво транспортида ташишга, хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэровокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуасидир.

27-модда. Аэродромлар ва аэропортлар учун ер ажратиш

Аэродром ва аэропортлар қурилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ер ажратилади.

Аэродромлар ва аэропортлар учун ажратиладиган ер участкаларининг сатҳининг катталиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда тасдиқланадиган меъерлар ва лойиҳа-техникавий ҳужжатлар асосида белгиланади.

28-модда. Аэродромлар қуриш ва уларни таъмирлаш

Аэродромлар ва аэропортлар қуриш учун қидирув ишларини олиб бориш, уларни лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш ҳокимиятларнинг тегишли маҳаллий идоралари билан, манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва

ташкilotлар билан Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда келишилади.

Аэродромларни қуриш ва таъмирлаш, шунингдек аэродромлар районида саноатга оид, турар жойлар ва маданий-маиший бинолар қурилиши ҳаво кемаларининг шовқини, уларнинг моторларидан чиқадиган зарарли чиқиндилар, электромагнит ва бошқа нурланишларнинг зарарли таъсирини бартараф этишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

29-модда. Аэродром эксплуатанти

Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларига асосан ўзга давлатнинг аэродромга мулкчилик асосида (аэродром эгаси), ижара шартномаси ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа асосларида эгаллик қилувчи юридик шахси ёки фуқароси аэродромнинг эксплуатанти деб тан олинади.

30-модда. Аэродромни ишга туширишга рухсат бериш

Ҳаво кемалари парвозининг хавфсизлигини таъминлаш талабларига жавоб берсагина аэродромдан фойдаланишга рухсат этилади. Фуқаролар ташиш учун мўлжалланган аэродром бундан ташқари, йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қўшимча тадбирларга ҳам жавоб бермоғи лозим. Аэродром эксплуатантига аэродром фойдаланишга яроқлилиги ҳақида сертификат берилади.

Аэродромларни ишга тушириш учун рухсатнома ҳамда фойдаланишга яроқлилиги ҳақида сертификат бериш қуйидаги тартибда:

фуқаролар авиацияси аэродромлари ва экспериментал авиация аэродромлари учун — Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти томонидан;

давлат авиацияси аэродромлари учун — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Аэродром эксплуатантига аэродромнинг бутун хизмат кўрсатиш муддати давомида унинг фойдаланишга яроқлилиги ҳақида сертификат олиш учун белгиланган талабларга жавоб беришини таъминлаш вазифаси юклатилади.

31-модда. Аэродромларни рўйхатга олиш

Фуқаро авиацияси аэродромлари ва экспериментал авиация аэродромлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси аэродромлари давлат реестрида қайд этилиши лозим.

Давлат аэродромлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Аэродром реестрга киритилганидан сўнг эксплуатантга аэродром рўйхатга олингани тўғрисида гувоҳнома берилади.

Аэродромларни рўйхатдан ўтказиш ва улар рўйхатга олингани тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби:

фуқаро авиацияси аэродромлари ва экспериментал авиация аэродромлари учун — Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан;

давлат аэродромлари учун — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

32-модда. Аэродромлардан биргаликда фойдаланиш

Аэродромлардан самовий ҳудуддан фойдаланувчиларнинг турли тоифалари биргаликда фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

33-модда. Аэропорт билан аҳоли манзилгоҳлари орасида транспорт қатнови ва алоқа

Йўловчилар ташиш эҳтиёжини таъминлаш учун аэропортлар билан яқин шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳлари ўртасида мунтазам транспорт қатнови йўлга қўйилади.

Аэропортларга борадиган йўллар қурилишини, уларни таъмирлашни, ободонлаштиришни ва улардан фойдаланишни, йўловчи ташийдиган транспортнинг бу йўлларда мунтазам

қатновини, шунингдек шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари билан аэропортлар ўртасида телефон ва бошқа алоқа турларини ҳокимият маҳаллий органлари таъминлайдилар.

34-модда. Аэродромларни тутатиш

Аэродромларни тутатиш, шу жумладан бошқа жойга кўчириш мақсадида тутатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV БОБ. ҲАВО КЕМАЛАРИ

35-модда. Ҳаво кемаларининг таснифи

Авиация турига мансублигига қараб ҳаво кемалари фуқаро, давлат ва экспериментал ҳаво кемаларига бўлинади.

36-модда. Ҳаво кемалари ишлаб чиқарилишини шаҳодатлаш

Ҳаво кемалари ва учувчи ўзга аппаратларнинг шаҳодатланган турларини қўллаб ишлаб чиқарувчи корхона ёки бошқа ташкilotлар (шу жумладан авиаклублар) белгиланган талабларга мувофиқ ва бундай фаолият билан шуғулланиш учун берилган шаҳодатномага асосан ишлайдилар.

Ҳаво кемаларини ва учувчи ўзга аппаратларни ишлаб чиқаришга доир талабларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни шаҳодатлаш халқаро стандартлар ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

37-модда. Фойдаланишга рухсат бериш

Фуқаро ҳаво кемаси, шунингдек, тижорат мақсадларида ишлатувчи давлат ҳаво кемаси фуқаро ҳаво кемаларининг учигиша яроқлилиги борасида амалдаги меъерларга жавоб берсагина фойдаланишга қўйилади ва бу ҳақда ҳаво кемасининг яроқлилик тўғрисидаги шаҳодатнома (сертификат) берилади.

Фуқаро ҳаво кемаларининг учигиша яроқлилик меъерлари ва учигиша-яроқлилик тўғрисидаги шаҳодатномани бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланади.

Ҳаво кемасини учигиша яроқлилик тўғрисидаги шаҳодатнома талабларига жавоб бера оладиган ҳолатда сақлаш масъулиятли ҳаво кемаси эксплуатантига юкланади. Бу талабларга амал қилиниши устидан назоратни Авиация маъмурияти олиб боради. Давлат ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги белгиланган тартибда фойдаланишга қўйилади.

38-модда. Ҳаво кемаларининг учигиша яроқлиги тўғрисидаги шаҳодатнома турини тан олиш

Чет эл давлати томонидан ҳаво кемасининг учигиша яроқлилиги ҳақида берилган ёки қучга киритилган шаҳодатнома тури, агар шу шаҳодатномани бериш ёки қучга киритиш учун қўйилган талаблар фуқаро авиацияси халқаро ташкilotи белгиланган минимал стандартларга ёки ундан ҳам юқориқ талабларга жавоб берса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.

39-модда. Ҳаво кемаларини рўйхатга олиш

Фуқаро ва давлат ҳаво кемалари рўйхатдан ўтказилиши лозим. Фуқаро ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрида, давлат ҳаво кемалари эса Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрида рўйхатга олинади.

Тегишли реестрда қайд қилинган ҳаво кемасининг эгасига рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрини, Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемаларининг реестрини юритиш тартиби, шунингдек рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби тегишли равишда Авиация маъмурияти ва Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Экспериментал ҳаво кемалари давлат реестрида қайд этилмайди, аммо Авиация маъмуриятида ҳисобда туради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемаларининг реестрига киритилган ҳаво кемалари, шунингдек Авиация маъмуриятида ҳисобда турувчи экспериментал ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикасига қарашли миллий ҳаво кемаларидир.

Чет эл ҳаво кемаси тегишли чет эл давлати ҳаво кемаларининг реестридан ўчирилганидан кейингина Ўзбекистон Республикасининг тегишли реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси тегишли реестридан белгиланган тартибда ўчирилмаган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг ҳар қандай чет эл давлати ҳаво кемаларининг реестрига киритилиши тан олинмайди.

40-модда. Реестрдан ўчириш

Ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикасининг тегишли реестридан қуйидаги ҳолларда:

а) ҳаво кемаси фойдаланишдан чегириб ташланга ёки чиқарилса;

б) ҳаво кемаси белгиланган тартибда чет эл давлатига, чет эл юридик ёки жисмоний шахсига сотилса ёки берилса;

в) ҳаво кемаси экспериментал ҳаво кемалари қаторига ўтказилса;

г) ҳаво кемаларини рўйхатга олиш тартибида назарда тутилган бошқа ҳолларда ўчирилиши мумкин.

Ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикасининг тегишли реестридан ўчириш билан кеманинг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ва шу ҳаво кемаси ҳақидаги тегишли реестрдаги ёзувлар ўз кучини йўқотади.

41-модда. Ҳаво кемаларига қўйиладиган белгилар

Рўйхатни ўтказиш пайтида ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси берилиб, улар шу ҳаво кемаларида қайд этилади.

Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисидан ташқари ҳаво кемаларига қўшимча белгилар, рамзлар, ёзувлар, нишонлар) қўйилиши мумкин. Мазкур белгиларни ҳаво кемаларига қайд этишда рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисининг кўринишини ёмонлаштирмастикка эътибор қилиш лозим.

Фуқаро ва экспериментал ҳаво кемаларига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш тартиби Авиация маъмурияти томонидан, давлат ҳаво кемаларига қайд этиш эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги томонидан белгиланади.

42-модда. Ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаш (муайян айбдорликка тортиш, ҳуқуқдан вақтинчалик ёки бутунлай маҳрум қилиш ҳамда алоҳида ҳолатларга боғлиқ бошқа чеклашлар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ қўлланиши мумкин.

43-модда. Ҳаво кемаларини ижарага беришда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтиши

Ҳаво кемасининг эгаси билан бўлажак эксплуатант ўртасида унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилиши тўғрисида битим мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кемаси чет эллик эксплуатантларга ижарага (экипаж ёки экипажсиз) берилиши мумкин.

Чет эл ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикасидаги эксплуатант ижарага оладиган ҳолларда ҳам худди шундай тартиб қўлланилади.

V БОБ. ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ ЭКСПЛУАТАНТЛАРИ

44-модда. Эксплуатант гувоҳномасини бериш

Ҳаво кемасига мулкдорлик асосида, ижара шартларида ёки бошқа қонуний асосда эгаллик қилувчи, шу ҳаво кемасидан фойдаланишни амалга ошириш ҳуқуқи ва қобилияти эксплуатант гувоҳномаси билан тасдиқланган фуқаро ёки юридик шахс ҳаво кемасининг эксплуатанти деб эътироф этилади.

Эксплуатант гувоҳномаси Авиация маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда берилади. бунда хусусий ва ижарадаги ҳаво кемаларининг, парвозга оид ва техника хизматлари тузилмаларининг мавжудлиги бундай гувоҳномани олиш учун мажбурий шартдир.

Бехуда важар туфайли эксплуатант гувоҳномасини беришни рад этиш тақиқланади. Гувоҳнома берилишини сураган хўжалик юритувчи субъект олинган раддия устидан турар жойдаги тегишли судга арз қилиши мумкин.

Эксплуатант гувоҳномаси ўзга шахсга берилиши мумкин эмас ва амал қилиш муддати белгиланган тартибда тўхтатилмагунча ёки тортиб олинмагунча ўз кучини сақлаб қолади.

45-модда. Эксплуатант гувоҳномасини тан олиш

Чет эл фуқаролари ёки юридик

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

ҲАВО КОДЕКСИ

(Давоми. Бош 2 — 3-бетларда)

шахсларнинг чет эл давлатининг ваколатли идоралари томонидан берилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида белгиланган талабларга жавоб берадиган эксплуатант гувоҳномаси ёки унга тенгланган ҳужжатидан олинади.

46-модда. Эксплуатант фаолияти устидан назорат

Эксплуатант гувоҳномасини берган орган эксплуатант учун белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назорат юрताди.

Эксплуатант томонидан гувоҳнома олиниши учун белгиланган талаблар бузилган тақдирда гувоҳномани берган орган эксплуатантга камчиликларни бартараф қилиш зарурлиги ҳақида огоҳлантириш беришга ёки Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортишга, шунингдек эксплуатант гувоҳномаси амал қилиш муддатини тўхтатиб қўйишга ёки уни тортиб олишга ҳақлидир.

Ҳаво кемаси эксплуатанти Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ўзининг маъмурий жавобгарликка тортилиш ҳақидаги, эксплуатант гувоҳномасини олиб қўйиш ёки амал муддатини тўхтатиш ҳақидаги қарор устидан судга арз қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти Ўзбекистонда доимий парвозларни амалга оширувчи чет эллик эксплуатантларни, агар халқаро битимларда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, амалий инспекция қилиш ҳуқуқига эга.

VI БОБ. АВИАЦИЯ ХОДИМЛАРИ

47-модда. Авиация ходимларининг хизмат турлари

Фаолиятлари ҳаво транспорт қатновини ташкил қилиш, бажариш ва таъминлаш, шунингдек ҳаво транспорт қатновига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар авиация ходимлари ҳисобланади.

Авиация турига мансублигига кўра авиация ходимлари тегishли равишда фуқаро, давлат ва экспериментал авиация ходимларига бўлинади.

48-модда. Авиация ходимларининг таркиби

Авиация ходимлари таркибига:

- а) учувчилар таркибига кирувчи шахслар;
- б) ҳаво транспорт қатновини ташкил қилувчи ва таъминловчи шахслар;
- в) ҳаво кемаси парвозларини ташкил этувчи шахслар;
- г) ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатувчи шахслар;
- д) ҳаво кемаларининг парвозларини таъминловчи шахслар;
- е) авиацияда юк ташишга хизмат қилувчи шахслар;
- ж) фаолиятлари ҳаво кемаларининг парвозларини ташкил этиш — амалга ошириш, таъминлаш ёки унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа шахслар қиради.

Фуқаро, давлат экспериментал авиация ходимлари қаторига кирувчи шахслар лавозимларининг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

49-модда. Касб фаолиятига тайёрлаш ва бундай фаолиятга рухсат бериш

Эгаллаб турган лавозимига биноан фаолияти парвозларни ташкил этиш, амалга ошириш ва таъминлаш ҳамда ҳаво транспорт қатновига хизмат кўрсатиш билан бевосита алоқадор авиация ходимларини касб фаолиятига тайёрлаш давлат томонидан шаходатланган таъминотларда амалга оширилади.

Ҳаво кемалари парвозларини амалга ошириш ва бу парвозларни таъминлаш билан бевосита алоқадор авиация ходимлари тегishли фаолиятни амалга ошириш гувоҳномасига эга бўлган ҳамда саломатликлари белгиланган талабларга жавоб берадиган тақдирдагина касб фаолиятини бажаришга қўйиладилар.

Авиация ходимларини касб фаолияти билан шуғулланишга рухсат этиш ва шу фаолиятни бажариш учун гувоҳнома бериш тартиби, шунингдек авиация ходимлари турли тоифаларининг соғлиқликларига бўлган талаблар ҳамда уларни тиббий кўридан ўтказиш тартиби фуқаро ва экспериментал авиацияда Авиация маъмурияти томонидан, давлат авиациясида эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан

белгиланади.

Фуқаро авиациясининг авиация ходимлари касб фаолиятини бажариш чоғида амалдаги гувоҳномани ўзлари билан олиб юришлари керак.

50-модда. Авиация ходимлари гувоҳномасини қан олиш

Чет эл давлати томонидан авиация ходимларига берилган ёки кучга киритилган гувоҳномалар, агар шу гувоҳномаларни бериш ёки кучга киритиш учун белгиланган талаблар Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти белгиланган минимал стандартларга ёки ундан юқорироқ талабларга жавоб берса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.

51-модда. Ҳаво кемаси экипажи

Ҳаво кемаси экипажи кема командири, учувчилар таркибига кирувчи бошқа шахслар ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан иборат бўлади. Фуқаро ва давлат авиация ҳаво кемаларининг экипажи таркиби, ҳаво кемаларининг тури ва вазифаси, мақсади ва улардан фойдаланиш шароитлари ҳисобга олиниб, ҳаво кемасининг лойиҳаловчиси ва буюртмачиси томонидан белгиланади ҳамда ҳар бир турдаги ҳаво кемасининг парвозда фойдаланиш ҳужжатларига ёзиб қўйилади. Бундан ташқари ҳаво кемалари экипажи таркибига тегishлича Авиация маъмурияти ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган тартибда шу кемадан фойдаланишга алоқадор бошқа авиация ходимлари ҳам киритилиши мумкин.

52-модда. Ҳаво кемасининг командири

Учувчи ихтисослигига ва белгиланган тартибда маълум турдаги ҳаво кемасини мустақил бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсга ҳаво кемасининг командири бўлиши мумкин.

Ҳаво кемасининг командири экипаж фаолиятини бошқаради, кемада тартиб ва интизом сақланишини, парвоз қоидаларига ва кемадан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди, шунингдек кеманинг асралиши ва кемадаги одамлар ҳамда мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Ҳаво кемасининг командири қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) ҳаво кемасининг фазога қўтарилиши, парвози ва қўниши ҳақида, шунингдек парвозни тугаллаш ва парвоз бошланган пунктга қайтариш ёки мажбурий қўниш ҳақида узил-кесил қарор қабул қилиш. Парвоз хавфсизлигига аққол хавф туғилганида, шунингдек кема ичидаги йўловчилар ҳаётини сақлаб қолиш ниятида парвоз режасидан, ҳаво транспорт қатновини таъминловчи идора кўрсатмаларидан ва парвоз топширигидан чекинган ҳолда, аммо белгиланган парвоз қоидаларига илжо борица риоя қилган ҳолда, бундай қарор қабул қилиниши мумкин. Кема командири қўрилган тадбирлар тўғрисида кеманинг бевосита раҳбари бўлмиш ҳаво кемалари қатновини таъминловчи органга зудлик билан хабар қилиши шарт;
- б) ҳаво кемаси ичидаги ҳар қандай шахсга ўз ваколатлари доирасида буйруқ бериш. Бу буйруқлар сўзсиз бажарилмоғи лозим;
- в) хатти-ҳаракатлари билан парвоз хавфсизлигига бевосита таҳдид солиб ўзининг буйруқларига бўйсунмайдиган шахсларга нисбатан барча зарур чораларни кўриш, ҳатто қурол ишлатиш. Ҳаво кемаси энг яқин аэродромга қўнган заҳоти кема командири бундай шахсларни кемадан чиқариб юбориши, агар жиноят белгилари мавжуд қилмиш содир этган бўлсалар, уларни тегishли органларга топшириш мумкин;
- г) парвоз хавфсизлигини ҳамда ҳаво кемасини қўндиришни таъминлаш учун зарур бўлса парвоз пайтида ёнилгини тўкиб ташлаш, қўл юки, юк ва почтани ташлаб юбориш.

53-модда. Ҳаво кемаси экипажи аъзоларига етказилган зарарнинг уринини қоплаш тартиби

Ҳаво кемаси экипажи аъзолари парвозда ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида тан жароҳатлари олган ёки соғлиқларига бошқа зарар етказилган тақдирда, ҳаво кемасининг эксплуатанти, агар у етказилган зарар жабрланувчининг қасддан қилинган ҳаракати натижаси эканлигини исботлаб бера олмаса, жабрланувчига зарарнинг у оладиган нафақадан ёки унга жароҳатидан кейин тайинланган ва амалда у оладиган пенсиядан ортқича қисмини қоплаши шарт.

Ҳаво кемаси экипажининг аъзоси парвозда ўз хизмат вазифасини бажариш

чоғида ҳалок бўлган тақдирда, етказилган зарарни қоплаш марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахсларга ёки фаолият рўй берган кунгача ундан нафақа олишга ҳуқуқи бўлган шахсларга, шунингдек марҳумнинг вафотидан сўнг дунёга келган фарзандига юқорида қайд этилган тартибда амалга оширилади.

VII БОБ. ҲАВО ТРАНСПОРТИ ҚАТНОВИ

54-модда. Самовий ҳудуд таснифи

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган самовий ҳудудларга бўлинади.

Бунда назорат қилинадиган самовий ҳудуд деганда ҳаво транспорт қатновига хизмат кўрсатадиган органлар томонидан парвозлар бевосита бошқариб туриладиган самовий ҳудуд, назорат қилинмайдиган самовий ҳудуд деганда эса парвоз пайтидаги ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда умумий фойдаланишдаги, авиация парвозлари учун ажратилган самовий ҳудуд тушунилади.

55-модда. Ҳаво транспорт қатновига хизмат кўрсатиш

Ҳаво транспорт қатнови назорат қилинадиган ёки назорат қилинмайдиган самовий ҳудудда амалга ошириладиганига қараб, ҳаво транспорт қатновига диспетчерлик, парвоз пайтидаги ахборот тизими ёки консултив хизмат кўрсатилиши мумкин. Бундан ташқари фалокат ҳолатлари юзага келганида ҳаво транспорт қатновига авария хизмати кўрсатилиши мумкин.

Ҳаво транспорт қатновига хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

56-модда. Ҳаво транспорт қатнови оқимларини ташкил этиш

Самовий ҳудуддан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида ҳаво транспорт қатнови оқимлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мослаштириб ташкил этилади.

57-модда. Аэронавигация ва метеорологик ахборот

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспорт қатнови аэронавигация ва метеорологик ахборот билан таъминланади. Ҳаво транспорт қатновини аэронавигация ва метеорологик ахборот билан таъминлаш тартиби фуқаро ва экспериментал авиацияда Авиация маъмурияти томонидан, давлат авиациясида эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан хавфсиз, самарали, ва тежамкорлик билан фойдаланиш таъминлаш мақсадида халқаро ташкилот ёки чет эл давлатлари аэронавигация ахборот хизматларидан битим ёки шартнома асосида олинadиган метеорологик ахборот ҳам ишлатилиши мумкин.

58-модда. Аэронавигация ҳамда алоқа воситалари ва тизимлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳаво транспорт қатнови аэронавигация воситалари ва тизимлари, шунингдек ҳаво транспорт қатновининг алоқа ҳамда бошқарув воситалари ва тизимлари билан таъминланади.

Бундай таъминлаш тартибини ўз ваколатлари доирасида Авиация маъмурияти ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги белгилайди.

Мазкур воситалар ва тизимлардан биргаликда фойдаланиш тартиби давлат бошқарувининг ушбу органлари ўртасида тузилган битимларга биноан белгиланади.

Аэронавигация воситалари ва тизимлари сифатида фойдаланиладиган объектлар қурилиши (урнатилиши) учун еражратилиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида амалга оширилади. Бундай қурилиш учун ажратилadиган ер майдонининг сатҳи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда тасдиқлаган меъёрлар ҳамда лойиҳа-техникавий ҳужжатлар асосида аниқланади.

59-модда. Алоқа воситаларидан фойдаланиш

Ҳаво транспорт қатновини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш учун телефон, телеграф ва бошқа алоқа воситаларидан навбатсиз, оддий тариф бўйича ҳақ тўлаб

фойдаланилади. Ҳаво транспорт қатновини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш учун оммавий алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби Алоқа вазирлиги томонидан Авиация маъмуриятининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ва бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегishли органлари билан келишуви асосида белгиланади.

60-модда. Ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари ишга туширишга рухсат бериш

Ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари ҳаво транспорт қатновини хавфсиз ташкил қилиш талабларига жавоб берсагина ишга туширилишига рухсат берилади.

Ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўлларида фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда ижозат этилади.

61-модда. Аэронавигация ва аэропорт йиғимлари

Аэродромларда ҳаво транспорт қатнови ва ҳаво кемаларига аэронавигация ва аэропорт йиғимлари тарзида ундирилadиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатилади.

Аэронавигация ва аэропорт йиғимларини ундириш ва тақсимлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

VIII БОБ. ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ

62-модда. Парвозларни бажариш қоидалари

Кодексда парвоз атамаси остида ҳаво кемасининг парвоз бошланиши чоғидаги кучли югуриши (тик қўтарилиши чоғидаги қуруқлик ёки сув сатҳидан узилишидан тортиб, парвоз масофаси тўла босиб ўтилувчига қадар (учиш ва қўниш йўлкасини бетўхтов бўшатиб қўйгунга қадар) ёки тик қўниш чоғида қуруқлик (сув) сатҳига қўнгувчига қадар қуруқлик (сув) сатҳи ва ҳавода бажарган ҳаракати тушунилади.

Ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги парвозлари Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида парвоз қилиш қоидаларига мувофиқ ҳолда бажарилади.

63-модда. Кема ҳужжатлари

Парвозни бажариш учун ҳаво кемасида кема ҳужжатлари бўлмоғи лозим; бу ҳужжатларнинг рўйхати фуқаро ва экспериментал авиация учун Авиация маъмурияти томонидан, давлат авиацияси учун эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ҳаво кемаларида қуйидаги ҳужжатлар:

- а) ҳаво кемасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома;
- б) ҳаво кемасининг парвозга яроқлилиги тўғрисида гувоҳнома (сертификат);
- в) кема дафтари;
- г) мазкур турдаги ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатилadиган қўлланма;
- д) Авиация маъмурияти назарда тутган бошқа ҳужжатлар бўлиши лозим.

64-модда. Парвозга тайёрланиш

Ҳаво кемаси парвоз қилишдан олдин ҳаво кемасини, кема экипажини ва авиациянинг бошқа ходимларини, учиш ва қўниш аэродромларини тайёрлаш каби ишлар амалга оширилиши керак.

Парвозларга тайёргарлик қоидалари ва бу тайёргарлик учун масъул шахслар рўйхати фуқаро ва экспериментал авиациясида авиация маъмурияти томонидан, давлат авиациясида эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Техникавий соз ва парвозга шай ҳаво кемасига ҳамда унинг тегishли шароитларда парвоз қилишга ҳуқуқи бор экипажга Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида парвоз қилиш қоидаларига белгиланган тартибда парвозни амалга ошириш учун рухсат берилади.

Парвоз бошланиши олдин йўловчилар хатарли вазиятда қандай ҳаракат қилишлари ҳақида маълумот олишлари лозим.

65-модда. Ҳаво кемасининг учиши учун қарор қабул қилиш

Ҳаво кемасининг учиши учун қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудида парвоз қилиш қоидалари билан белгиланади.

(Давоми келгуси сонда).



ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУН



ЯРИМ ЙИЛЛИК фаолиятини сарҳисоб қилиш вақти ҳам келди. Шу ният билан Республика "Қўриқлаш" бирлашмасида оператив мажлис бўлиб ўтди. Унда қўриқлаш бўлинмалари ўтган олти ой мобайнида олиб борган иш натижалари кўриб чиқилди ва кейинги ярим йиллик давомида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар муҳокама этилди.

Бирлашма бошлиғи, милиция полковниги Х.Р.Убайдуллаев маъруза қилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу йилнинг олти ойи мобайнида қўриқлаш бўлинмалари ходимлари бир қадар ютуқларни қўлга киритганларини айтиб ўтиш жоиз.

Хисобот даврида бўлинмаларимиз ходимлари томонидан тутилган жиноятчилар сони ўсди: бу кўрсаткич 1070 ни ташкил қилади. Ўз навбатида очилган ва олди олинган жиноятлар сони (912 та) ўсган.

Бирлашмаимиз ходимлари ўз ҳимояларидаги объектларни қўриқлаш билан бир қаторда уларда содир этилаётган майда талончиликлар, ўғирликларнинг ҳам олдини олишда доим фаол кураш олиб боришди. Ўтган олти ой давомида ҳам бу кўрсаткич пасайгани йўқ: 11003 киши майда талончилик чоғида ушланди. Улардан тўртта олинган 6,5 миллион сўмликдан кўпроқ товар-моддий бойликлар давлатга қайтарилди.

Ушбу рақамларнинг ўзиёқ қўриқлаш бўлинмалари ходимлари қай даражада ишлаганликларидан гувоҳлик бериб турибди. Аммо эришилган ютуқлар хотиржамлик учун асос бўлолмайди. Аксинча, иккинчи ярим йилликда қўриқлаш бўлинмалари олдида ҳал қилиниши лозим бўлган жуда катта вазифалар турибди. Айниқса, янги тариф ставкалари бўйича шартномаларни қайта кўриб чиқиш борасида ҳали жуда кўп ишларни амалга ошириш лозим. Халқ хўжалиги объектлари, фуқароларнинг хонадонларини ишончли қўриқлашни таъминлаш, бу борада эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб бориш керакки, бу ишлар ҳар бир ходимнинг ўзига бириктирилган участка учун

жавобгарлигини ошириш, шахсий таркиб билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини кучайтириш орқали амалга оширилади.

Қўриқлаш бўлинмалари ходимлари ўзларининг бевосита) хизмат вазифаларидан ташқари ички ишлар идоралари ўтказиётган деярли ҳамма тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Бу борада ҳам ходимларимиз бир қадар яхши кўрсаткичларга эришганлар.

Ганнинг исботи сифатида бир мисол келтирамиз. Ички ишлар идоралари гиёҳвандликка қарши олиб бораётган кескин курашдан ҳамманинг хабари бор. Бу ишдан қўриқлаш бўлинмалари ходимлари ҳам четда туришгани йўқ. Улар "Қорадори-93" тадбирида иштирок этишиб, ноқонуний равишда гиёҳванд моддалар экиш билан шуғулланаётган жиноятчилардан 491 тасини фойс қилишди ва 10 минг квадрат метр майдондаги қўқорни ва наشا ўсимлигини йўқ қилишди. Бундан ташқари, 20 жойда ёввойи тарзда ўсаётган насазор аниқланиб, йўқ қилинди. Уларнинг умумий майдони 4 минг квадрат метрни ташкил қилди.

Ўтган даврда Наманган вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими, Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси, Сурхондарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эришиб, мукофотли ўринларни эгаллашди.

Ишимизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Аммо уларни бартараф этишга ва бизга ишонган корхона, ташкилот ва фуқароларнинг ишончини оқдлашга қўрбимиз етади. Қолаверса, Республика ҳукумати, ИИБ раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ердан ҳам бизга бу муаммоларни тезроқ бартараф этишга имкон беради.

Ю.С.КОШАРНИЙ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси
бўлим бошлиғи, милиция
подполковниги.

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.
Ҳ.ШОДИЕВ олган суратлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги вақтларда она Туркистоннинг бир бўлаги — мустақил Ўзбекистонимизда ижтимоий-сиёсий вазият сезиларли даражада барқарорлашган. Кўпчилик мамлакатларда "демократия" никоби остида бўлаётган "ур-сур"лар бизда йўқ.

Бу эса, албатта, биринчи навбатда мамлакатимиз раҳбариятининг, хусусан, Президент И.Каримов олиб бораётган сиёсатнинг ширин меvasи, десак ҳеч янглишмаган бўлаимиз.

Қайсики мамлакатда тинчлик, осойишталик, хотиржамлик ҳукм сураб экан, билингки, ўша юрт фуқаролари учун, уларнинг яшаш тарзини кўтариш учун яхши шарт-шароит мавжуд бўлади. Ўтиш даври

иборатдир.

Наманган вилоятида ўз фаолиятини ўтган йилданок бошлаган фахрийлар кенгаши шу кунгача бўлган муддат ичида эътиборга молик ишларни амалга оширди. Ўз иш фаолиятини бирмунча кенгайтди. Вилоят ички ишлар бошқармасининг хайрихоҳлиги, шахсан бошқарма бошлиғи, ички хизмат полковниги Эркин Норсодиқович Норигитовнинг бевосита кўрсатаётган амалий ердамлари туфайли кенгаш иши анча юришиб кетди. Вилоятда ички ишлар идораларида фидокорона хизмат қилиб, нафақага чиққан 700 дан ортиқ фахрий бор. Э.Норигитов уларнинг бой тажрибасини ёш кадрларга сингдириш, керакли масалаларда ҳолисона маслаҳат

табриклади, уларга сиҳат-саломатлик тилади. Йиғилиш давомида уларга 10000 сўмдан пул мукофоти тарқатилди, хурматлари жойига қўйилди.

Вилоят ИИБ Тиббий хизмат поликлиникаси ҳам фахрийлар саломатлигини тиклаш борасида эътиборга молик ишларни амалга ошириб келмоқда. Поликлиникага 257 нафар фахрий бириктирилиб қўйилган. Улардан 60 киши I, II-гурух ногиронидир.

Поликлиника бошлиғи Амин Турсунбобоев фахрийларнинг саломатлигидан ўз вақтида хабар олиб туришни, уларнинг дардларини енгиллаштириш учун зарур бўладиган дори-дармонлар билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Малакали врачлардан Х.Хотамова ва Л.Аминовалар фахрийлар хизматида туну кун ҳозир турадилар. Бундан ташқари ҳар икки-уч ойда бир маротаба тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган.

1992 ва жорий йилнинг апрель ойигача 51 нафар фахрий Наманган шаҳридаги республика Ички ишлар вазирлигига қарашли касалхонада даволандилар. 37 киши эса ҳудуд шифокорлари назоратида бўлдилар.

Кўрсатилаётган бу хайрли ва савобли ишлардан куч-қуввати борида эл тинчлиги йўлида хизмат қилиб улгурган кекса ходимларимиз жуда-жуда миннатдорлар.

Шу йилнинг 26 май куни вилоят фахрийларининг вакиллари иштирокида ўтказилган навбатдан ташқари йиғилишда кенгашнинг 15 кишидан иборат аъзолари сайланди. Кенгаш раислигига истеъфодаги милиция подполковниги Хайрулло Умаров сайланди. Кенгаш йиғилишида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Тоҳиржон Нўмонов иштирок этди ва кенгашнинг сайланган янги таркиби олдида янги вазифалар қўйди.

Наманганда фахрийлар кенгашининг ишлари тобора ривож топмоқда. Бунинг учун, биринчи навбатда вилоят ИИБ раҳбариятига миннатдорчилик билдириш керак.

Хайрли ишнинг қаноти бўлади, дейишди. Ўйлаймизки, Намангандаги ижобий ишлар бошқа ҳудудларда ҳам кенг қанот ёлди.

Шуни қўшимча қилиш жоизки, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигини муносиб кутиб олиш учун жиноятчиликнинг олдини олиш, шахсий таркиб интизомини бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш ва қонунчилиқни тўғри амалга ошириш борасида катта амалий тадбирларни йўлга қўймоқда. Бу муҳим, шарафли вазифани бажаришда фахрийлар ҳам елкама-елка туриб хизмат қилишмоқда.

Обидхон АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
фахрийлар кенгаши аъзosi,
истеъфодаги ички хизмат
полковниги.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

деб қўритилаётган оғир бир вазиятда бизнинг Ўзбекистонимизда ана шундай шароит юзага келган ва бу ўта қувончлидир. Айниқса, кўп қатори биз — фахрийларга ҳам кўрсатилаётган қатор ғамхўрликни таъкидлаб ўтиш фарз.

Бу борада амалга оширилаётган ишларни санаб ўтишнинг ўзиёқ мушкул вазифа. Халқ учун меҳнати сингган кишилар кексайган чоғида ҳам елғизлатиб қўйилмаётгани фахрийларнинг миннатдорчиликларини янада ошириб юбормоқда. Айни чоғда фахрийларнинг республика ижтимоий ҳаётига фаол жалб этилиши хайрли ва фойдадан холи бўлмаган ишлардан бири эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Матълумки, қаерда ёшлардаги ташаббус билан кексалардаги тажриба қўшилса, ўша ерда улкан мақсадларни амалга ошириш мумкин бўлади. Бунинг аниқ ва теран тушуниб етган республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ушбу йўналишда таҳсинга лойиқ ишларни йўлга қўймоқдаки, бунинг ҳар қадамда эътироф этмоқ керак. Ички ишлар вазирлиги, ички хизмат генерал-лейтенанти Зокиржон Алматовнинг фахрийлар билан бир неча бор учрашгани, уларнинг ҳолидан бохабар бўлаётгани, вазирликда ташкил этилаётган катта-кичик йиғин, байрам, тантаналарнинг фахрийларсиз ўтказилмаслиги, энг муҳими, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланилаётганининг ўзи бунинг еркин далилидир.

Шахсан вазирнинг ташаббуси билан жойларда фахрийлар кенгашлари тузилди ва тузилмоқда. Ушбу кенгашларнинг энг асосий вазифаси эса жисмонан ва руҳан тетик фахрийларни республикаимиз ижтимоий ҳаётига бевосита жалб этиш, соғлиғи ва кучини йўқотганларга эса ҳам моддий, ҳам маънавий ердан кўрсатишдан

сўраш каби бир қатор масалаларни биринчи ўринга қўйди. Шунинг учун ҳам бошқарма раҳбарияти ва бўлимлар бошлиқлари олдида фахрийларнинг ҳаётининг, саломатлигининг доимий равишда хабар олиб туришни, зарурат туғилганда керакли ерданларини аямасликларини шарт қилиб қўйди. Ички ишлар вазирлигининг 1988 йил 30 сентябрда тасдиқланган Низомиди белгиланган вазифаларни амалга оширишни қатъий талаб этди.

Бунинг исботи ўларок, вилоят фахрийлар кенгаши кўтараётган муҳим масалаларнинг деярли ҳаммаси бошқарма раҳбарияти томонидан беэътибор қолдирилмапти.

Натижада фахрийларни моддий-маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилди. Жўмладан, Улуғ Ватан уруши даврида қатор орденлар соҳиби бўлган истеъфодаги ички хизмат полковниги Гани Валиевич Валиевга бошқарма хизмат тасарруфида бўлган енгил автомашина тақдим этилди. Истеъфодаги ички хизмат полковниги Абдуқаҳҳор Ғаппоровнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан ўн минг сўм миқдорда пул мукофоти берилди ва Навоий театрида тантанали нишонлаш кечаси уюштирилди.

"Хотира кўни" муносабати билан хизмат пайтида ҳалок бўлган 22 ходимнинг хонадониди бўлиб, 10 минг сўмдан моддий ердан кўрсатилди. Халқаро хотин-қизлар байрами кунлари ички ишлар идораларида фидокорона хизмат қилиб, фахрийликка кузатилган аёлларга ҳам мурувват кўрсатилди ва улар пул мукофоти билан тақдирландилар.

Бошқармада "Талаба кўни" муносабати билан бўлган тантанали йиғилиш фахрийлар едида анчагача сақланиб қолади. Бошқарма бошлиғи йиғилган фахрийларни унутилмас кун билан қизгин

"ҚИНҒИР ИШ КЕЛТИРУР ТАШВИШ"



БҲУНГИ иқтисодий қийинчиликлар баъзи бир "ишбилармон"ларнинг эс-ҳушини олиб қўйган кўрнанади. Нарх-наво кундан-кунга ошиб бораётганидан фойдаланиб қолиш ниятида улар ўзларини ўтга, чўққа уриб, омборларини турли моллар билан тўлдиршга, сўнгга вақтдан фойдаланиб, бир неча баробар қимматига сотишга уринишмоқда. Аммо ички ишлар ходимлари бундай ишларнинг пайига бөлга уришмоқда.

ҲАБИБ ШУКУР.

Суратларда: мўмай пул топниш мақсадида Тошкент отчопарида олиб-сотарлик қилаётган кимсалардан тўртта олинган автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари; Чилонзор тумани ИИБ ИЖК бўлимининг катта тезкор вакили, милиция майори Рустам Мирсоатов чайқовчилардан тўртта олинган буюмларни кўздан кечирмоқда (чапдаги сурат).

Муаллиф олган суратлар.



ДУШАНБА

19 ИЮЛЬ

ЎзТВ 1

18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ипак йўли". Жумҳурият кўнгирчоқ театрининг спектакли. 18.55 "Хусусийлаштириш — давр талаби". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Сополда акс этган жиллолар". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Чолгу куйларидан концерт. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик ва ижтимоий муҳофаза". Жиззах вилояти меҳнаткашлари билан учрашув. 22.20 "Рақслар жозибаси". Дилором Шукржонова. 23.00 "Мулоҳаза". "Нодирабегим" — Ҳамза номли театр сахнасида.

ЎзТВ 2

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Миришкорлар". 20.30 "Бизнинг суҳбат". 21.00 "Билиб қўйган яхши". 21.20 "Қотил бунинг ўзи". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

16.50 "Иш". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20.. 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 17.30, "Майя араси". Кўп серияли мультфильм. 17.55 "Нон-туз". 18.30 Иқболи кулганда. 19.10 "Липецк аномалияси" — ҳамжихатликнинг изланиши. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Мен сўз кудрати билан". В. В. Маяковский тутилган куннинг 100 йиллигига. 21.15 "Спорт уик-энди".

"Янги студия таништилади:"

21.30 "Бомонд". 22.00 "Таржиман хол". 22.30 "Мегамикс". 22.50 "Мен".

23.00 Янгилар. 23.40 Халқаро профессионал баскетбол лигаси 1-чемпионатининг финал матчи. "Спартак" (Санкт-Петербург) — "Жальгирис" (Каунас). Санкт-Петербургда кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

17.00 — 19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 "Американинг ёввойи табиати". Кўп серияли телефильм премьераси. 19.30 Душанба кунини детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Радиоактив ёгин". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан (АҚШ). 20.25 "Джентльмен-шоу".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Кириш ҳовли томондан". 22.20 "Экспомарказ" таништилади. 22.25 "Кутқариш хизмати 911". 23.20 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Россия — Япония.

СЕШАНБА

20 ИЮЛЬ

ЎзТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Ёшлар куйлаганда". 7.50 Мутахассис маслаҳати. 8.00 "Билиб қўйган яхши". 8.20 "Сехрли сандик". Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.30 "Абитуриент-93".

18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида". 18.40 "Усто Салимжон". Телефильм. 18.55 "Бунедкор". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Дунё воқеалари". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 София Сафарова куйлайди. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Ислохот ҳақида суҳбатлар". 21.40 "Шаҳар бедарвоза эмас...". Бевосита мулоқот. 22.40 ЎзТВ хазинасидан. Алишер

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДАНавой. "Лайли ва Мажнун".
Видеофильм. 1-қисм.

ЎзТВ 2

18.30 "Уолт Дисней таништиради...". Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Тиламлар тавсифи". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Офтоб чиқди оламга". 20.15 "Муסיқали меҳмонхона". 20.55 "Алоқалар ва шартномалар". 21.25 "02" тўлкинида. 21.45 Ёшлар. 21.50 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультфильм 8.30 "Инсон ва кунун". 9.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 "Олий ҳиссиёт". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 5-серия. 10.20 "Финист балалайка" рус халқ чолгу ансамблининг концерти. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Таниш нотанишлар" кўрсатувини таништилади. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармон кишилар хабарномаси". 14.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультфильм. 15.40 "Анри Матисс". Хужжатли фильм премьераси. 16.10 "Янги номлар". 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Дунё томонлари" кўрсатувини таништилади. 17.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Мулкдор алифбоси". 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 14-серия. 20.55 "Матбуот-экспресс". 21.05 "Мосфильм"нинг 70 йиллигига. "Дворянкалар уяси". Бадий фильм (1969 й.). 23.00 Янгилар. 23.40 "Видеодром". 00.10 "Рок-н-ролл ТВ". 00.55 "Олий ҳиссиёт". Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 5-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 "Кириш ҳовли томондан". 8.45 "Танаффус". Вика Циганова куйлайди.

11.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 193-серия. 11.50 "Сиз яратган бог". 12.20 "Бир санъаткор театри". Л. Соломаткин. 12.40 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 13.00 "Муסיкий фейерверк". 13.25 Кундузги сеанс. "Булбул". Бадий фильм. 14.45 Мультфильм-пульти. 15.00 "Ҳақиқатни асровчилар". 15.30 Янгилар. 15.45 "Рост" студияси. Кимнинг томони? 16.15 Трансросэфир. "Поволжье".

17.00 — 19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 "Миллий сийсат хроникаси". 19.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 194-серия. 20.10 "Сизнинг ҳукукингиз". 20.25 Джаз куйларидан концерт.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Асил ҳолича". 22.30 "Аз есм". "Пушкин кўчаси. 10".

ЧОРШАНБА

21 ИЮЛЬ

ЎзТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Сергайрат кампир". Мультфильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 "Куй ва соз соҳиб". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Араб тили. 9.30 "Ёшлик студияси. "Тежамкорлик сирлари". 10.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик студияси. "Ғазалхон ёшлигим". 18.55 "Чорвадор". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Сахро тимсоҳи". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Санъат усталари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Мухамедов. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдида. "Ватанин севмоқ йилмондандир". 22.20 Республика газеталарининг шарҳи. 22.30 Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун". Видеофильм. 2-қисм.

ЎзТВ 2

18.30 "Кувноқ жиллолар". 19.10 "Спринг". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Тошкент: шаҳар юмушлари". 20.50 "Дебют". 21.10 "Уч плюс икки". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.10 "Савдо кўприги". 9.40 Болалар телевидениеси уюшмаси. "Юлдуз бўлишни истайман" кўрсатувини таништилади. 10.20 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 14-серия. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Келажакдан келган меҳмон". Беш серияли телевизион бадий фильм. 4-серия. 12.25 "Героин йўли". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

13.15 Догистон халқлари куй ва оҳанглари. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикс". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультфильм. 16.05 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 12-кўрсатув. 16.20 "Парвоздаги уй". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Таниш нотанишлар" кўрсатувини таништилади. 17.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Миниатюра". 19.00 "ТВ-версия". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 15-серия. 20.55 Оқшом студияси "Уруш тугагунча тўққиз йил...". Хужжатли фильм премьерасини таништилади. 1 ва 2-фильмлар. 22.00 "Матбуот-экспресс". 22.10 Футбол. Россия чемпионати. "Динамо" (Москва) — "КАМАЗ".

"Динамо" Марказий стадионидан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар. 13.35 "Париж ўзра Пермь ва Москва

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.

7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 Христианлар учун кўрсатув. 8.30 "Асил ҳолича". 9.25 "Авангарддан бизнинг кунларгача". 10.00 "Параллеллар". 10.15 "Мутлақо махфий". 11.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 194-серия. 12.00 "Ҳақиқатни асровчилар". 12.30 "Танаффус". Игорь Саруханов куйлайди. 12.40 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 13.05 Кундузги сеанс. "Иссиққўлнинг алвон лолалари". Бадий фильм. 14.40 "Мансаб алифбоси". 14.55 "Сигнал". 15.10 Янгилар. 15.25 "Васильевская кўчаси, 13". С. Эйзенштейн номидаги танлов якунлари. 16.30 "Икки кишилик куй".

17.00 — 19.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 195-серия. 20.30 "Келинг, аниқлаб олайлик". 20.45 Криминал хабарлар экрани. 20.55 "Экспомарказ" таништилади.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 "Ўз-ўзига режиссёр". 22.00 "Нота бене" студияси. 23.00 "Ксюша хузурида". 23.30 Баскетбол шарҳи.

ПАЙШАНБА

22 ИЮЛЬ

ЎзТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Тамарахонимнинг уй-музейида муסיкий учрашувлар". 7.50 Мутахассис маслаҳати. 8.00 "Кувноқ болалар". 8.20 "Сеними, шошмай тур!". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз". 9.40 "Абитуриент-93". 10.10 "Қишлоқ стадионларида". 10.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Фидойи аёллар". 18.35 "Этюд". Манзарали фильм. 18.50 "Иқтисодий ислохот муаммолари". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Бахтли онлар". "Ўзбектеlevision" премьераси. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Мумтоз куйлардан концерт. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун".

Видеофильм. 3-қисм. 23.00 "Севгименинг, андуҳим менинг". Бадий фильм.

ЎзТВ 2

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Илҳомбахш хиебонлар". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Муסיкий дақиқалар". 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Тошкент оқшомлари". 21.30 "Матбуот саҳифаларида". 21.40 "Пульс". Хабарлар. 21.55 Ёшлар. 22.00 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.25 "Қўланка ҳаётидан бир неча саҳифалар". 9.40 "Ҳайвонот оламида" (сурдо таржимаси билан). 10.20 "Севги алифбоси". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 15-серия. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Келажакдан келган меҳмон". Беш серияли телевизион бадий фильм. 5-серия. 12.25 "Героин йўли". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 5-серия. 13.15 Мультфильм. 13.35 "Париж ўзра Пермь ва Москва

орқали парвоз қилиб". 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикс". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Майя араси". Кўп серияли мультфильм. 15.40 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 13-кўрсатув. 15.55 "Истеъдодлар ва мухлислар". 16.45 "...16 ёшгача ва ундан катталар". Танаффус пайтида (17.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Кинопанорама". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Оқшом студияси "Уруш тугагунча тўққиз йил...". Хужжатли фильм премьерасини таништилади. 3 ва 4-фильмлар. 21.25 "Театр романи: охириг шох". 22.30 "Юрмала"-93". Оммабоп куйлар халқаро танлови. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар. 01.05 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.

7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 Джаз куйларидан концерт. 8.30 Тонгги концерт. "Тодес" балет-шоуси. 8.45 "Нота бене" студияси. 9.40 "К-2" таништилади. "САС" устахонаси, А. Кайдановский ҳамда унинг "Бог" ва "Иона" фильмлари. 11.45 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 195-серия. 12.35 Ишдан бўш пайтингизда. "Иш устасидан кўрқад". 12.50 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 13.10 "Бу кўхна ленталар". 13.40 "М-трест". 13.55 Трансросэфир. "Сувратига чизгилар". 14.45 "Тилла шпора". 15.15 "Русча ташриф". 15.45 Янгилар. 16.00 "Рост" студияси. "Космос сабоқлари". "Диққат, болалар". 16.30 Тинчлик ва уруш.

17.00 — 19.35

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.35 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 196-серия. 20.25 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 Криминал хабарлар экрани. 21.45 Тунги сеанс. "Бу ерда бегоналар юрмайди". Бадий фильм. 23.15 "Каунтдаун". Оммабоп куйлар янгиларлари.

ЖУМА

23 ИЮЛЬ

ЎзТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Севги тароналари". 7.50 Мутахассис маслаҳати. 8.00 "Ажойиб саргузашт". Мультфильм. 8.15 "Кувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 "ТАИ инспектори". Бадий фильм. 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 18.00 "Бугун...". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Тўй тўйдек бўлсин...". 18.40 "Сўх дареси бўйлаб". Телефильм. 18.55 "Ишбилармон фермерлар". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Дунё воқеалари". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Навойхонлик". 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Жиноят жавосиз қолмайди". Уюшган жиноятчиликка қарши кураш. Бевосита мулоқот. 22.30 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимахсумов.

ЎзТВ 2

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Май ойдаги қор". Болалар учун телевизион бадий фильм. 9.30 "Олеся ва

компания". 10.00 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Америка М.Таратута билан".

Кундузги киноэкспресс
11.50 "Геройн йўли". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-серия. 12.40 "Турмуш икир-чикирлари". Бадий телесериал. 5 ва 6-сериялар. 13.40 Мультифильм. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Джем". 15.35 "Хайвонот оламида". Режиссёр А.М.Згуриди фильмлари. "Оқ тиш". Бадий фильм ("Моснаучфильм", 1946 й.). 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатларо "Останкино" телеканали "Биз яшашни хоҳлаймиз" кўрсатувини таништилади. 17.45 "Инсон ва қонун". 18.15 "Америка М.Таратута билан". 18.45 "Муъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Хафтанинг машҳур киши". 20.40 "Детективлар клуби"да. "Суини". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 21.35 "Матбуот-экспресс".

"ВИД" таништилади:
21.50 "Обоз" майдончаси. Валерия концерти. 22.50 "Авто-шоу". 23.00 Янгилар. 23.40 "Юрмала-93" оммабоп куйлар халқаро танлови.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 "Ишбилармон кишилар даври". 8.00 "Буддага ишонаман". Хужжатли фильм премьераси. 8.50 "Параллеллар". 9.05 "Околесица" кабареи Кронштадт денгизчилари хузурида меҳмонда. 10.00 "Новосибирск. Биринчи аср". Шаҳар юбилейига. 12.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 196-серия. 12.50 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.15 "Ўз-ўзига режиссёр". 13.45 Мульти-пульт. 13.55 "Оқ қарға". 14.40 Жума кунлари Дисней. "Яшаш учун пойга". Бадий фильм. 15.30 "Телебизжа". 16.00 Янгилар. 16.20 "Рост" студияси. "Эски тегирмон".

17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
19.20 "Бошланмаган уруш тарихи". 19.30 Биз севган комедиялар. "Афюна". Бадий фильм.

Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатув. 21.30 "К-2" таништилади. "Миллий хоккей лигасидаги бизнинг одам". 22.25 "Славян бозори" II халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши. Витебск шаҳридан кўрсатилади. 00.35 Осийишталик № 9".

ШАНБА 24 ИЮЛЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз..." 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Ракслар гулдастаси". 7.50 Шифокор маслаҳати. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 "Ғаройиб саёхат". Мультифильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз..." 9.00 "Зангори кўллик капитани". Бадий фильм. 10.00 "Алифбо сабоқлари". 10.30 Спорт хабарномаси. 10.45 "Қизил Яримой шуъласи". 11.25 "Ёш спортчилар мактаби". 11.45 Бухоро вилояти Когон тумани "Тўзал" халқ ансамблининг концерти. 12.25 "Ёз неъматлари — эл дастурхонига". 12.45 "Тадқиқот ва ҳамкорлик". 13.25 "Қишлоқ ҳаёти". 13.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшигим, жон қўшигим". 18.45 "Ўзингни эр билсанг...". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Республика газеталарининг шарҳи. 20.00 "Баҳор".

"Ўзбектеелефильм" премьераси. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 "Хордик". Дам олиш дастури. 21.00 "Туркистон" ахбороти. 21.30 Ўқтам Аҳмедов куйлайди. 22.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Олтин остона". Публицистик кўрсатув.

ЎЗТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.
"ОРБИТА IV"

5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 "Ишбилармон кишининг шанба тонги". 6.55 Янгилар. 7.35 "Спорт-имконият". 8.05 "Марафон-15" таништилади. 8.30 "Эльдорадо". 9.00 Шанба кунги дастхат. 9.30 Мусаввир Мария Ломакина ҳақида кўрсатув. 9.45 "Авиакосмик салон". 10.00 "Мусикий дўкон". 10.30 "Биз МЭИданмиз". 11.30 "Ҳокимият сиймоси". 11.45 "Муҳофаза ёрлиғи". 12.15 "Эпкин ёзувлар ёки Соёя билан Американи излаб саёхат". 12.40 "Мана шунақа кино...". В.Ежов. Ёзувчи ва кинодраматург. I-кўрсатув. 13.15 "Миниатюра". 13.30 "Князь Шаркдан келадими?". С.Алексеевнинг Осиё туркуми. 14.00 Янгилар. 14.25 "Шаҳзода ва Сув париси". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.10 "Пул ва сиёсат". 15.40 Театр учрашувлари. "Бу йўлларни биз асло унутмаймиз...". 16.40 "Ультра-си". Спорт кўрсатув. 17.20 "Модалар афсунгари". 17.50 "Бахтли тасодиф". 18.50 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Хьюстон рицарлари". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-фильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Зангори ва кулранг". Телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 21.20 "Бир боқишда муҳаббат". 22.00 "Юрмала-93" оммабоп куйлар халқаро танлови. Танаффус пайтида (23.00) - Янгилар. 00.35 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
7.25 "Оламага ўз нигоҳи билан қараш". 7.55 "Чашмалар". "Қайтиш". 8.25 "Рост" студияси. "Биринчи тайм". "Бизнинг Аралаш". 8.55 "Ҳали англамаган кинот". 9.25 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси. 10.10 Бир санъаткор театри. К.Сомов. 10.30 "Кузирхоним".

11.00—13.20
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.10 "Миср. Ҳамкорлик йўлида". 12.00 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 12.30 "Инсон ва биосфера". Чотқол кўриқхонаси. 13.05 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
13.20 Хонаки экран. "Менинг укам". Бадий фильм.

15.00—17.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
17.20 "Чегарасиз футбол". 18.15 "Ҳар бир кун байрам". 18.25 Бола тилидан. 18.55 Кўздан ғойиб бўлаётган манзара. Лев Аннинский кўрсатув. 19.40 "Маъқуллаймиз". Ёзувчи М.Мишин бенефеи.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Репортер". 21.40 "Юлдузлар ётилганда". 22.40 Тунги сеанс. "Соёялар момақалдириқда қандай кўринади?". Бадий фильм (АҚШ).

ЯКШАНБА 25 ИЮЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 Болалар учун. "Тонгги салом". 9.00 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 25-26-сериялар. 10.30 Инглиз тили. 11.00 Болалар учун. "Цирк! Цирк! Цирк!". 11.45 "Истеъдод-93". Тошкент вилояти бадий хаваскорларининг концерти. 12.45 "Галла—ризқ-рўзимиз". 13.15

"Ватанпарвар". 13.45 "Жамоат ташкилотларида". 14.15 "Ёшлик" студияси. "Орзулари ойдin". 18.00 "Кичкинтой" студияси. "Ўйнаймиз-у ўйлаймиз". 18.40 Мультифильм. 19.00 "Хива—Шарқнинг гавҳари". Хива шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан. 19.30 "Хафтанома" (рус тилида). 20.00 "Ойнаи жаҳонда". 20.15 "Хотира". Музайяна Алавия. 21.00 "Хафтанома". 21.40 "Якшанба оқшомида". Мусикий кўрсатув. 22.30 "Самолёт қайтарилди". Бадий фильм.

ЎЗТВ II
7.00—12.00

17.00—23.30
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.
"ОРБИТА IV"

5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 "Рухни чиниктириш". 6.55 Янгилар. 7.30 "Авто-шоу". 7.40 "Технодром". 7.50 Мультифильм. 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта сахарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси". Кўп серияли мультифильм премьераси. 9.00 "Ҳамма уйдалиғида". 9.30 "Спортлото" тиражи". 9.45 "Тонг юлдузи". 10.35 "Харбий ревю". 11.05 "Соло". 11.30 "Пи" белгиси билан. 12.20 "Янги авлод танлайди".

"КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништилади: 13.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультифильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 14.00 Янгилар. 14.20 Мультифильм. 14.30 "Саёхатчилар клуби". 15.25 "Хунарли хор бўлмайдin". 15.30 Мультифильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина овловчилар". 16.20 Эфирда бевоқиф мулоқот. 17.05 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.05 XVIII Москва халқаро кинофестивали. "Яқунлар. Мулоҳазалар...". 19.05 "КВН-93". МДХ ва Исроил терма командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Яқунлар". 21.50 "Эндиликда". Диний кўрсатув. 23.00 Янгилар. 23.20 "Юрмала-93" оммабоп куйлар халқаро танлови. 01.20 Футбол. Россия чемпионати. "Динамо" (Москва) — "Уралмаш". 2-тайм. "Динамо" Марказий стадионидан кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
7.25 "Хайрли тонг". 7.55 "Анна Павлова". Хужжатли фильм. 8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 9.10 "Қарама-қаршилиқлар". 9.50 "Рост" студияси. "Телеимконият". 10.20 "Ати-бати...". 10.50 Кипрас Мажейка. Жанубий Африкадан репортажлар. 11.20 "Хусусий коллекция". 12.20 "Дехқонларга тааллуқли масала".

12.40—15.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
12.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.50 "Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида". 13.20 "Замандас" (қозок тилида). 14.00 "Қашфietлар оламида". 14.45 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
15.00 Россия телевидениесининг сара асарлари. "Оқ қарға". 15.55 Жаҳоннинг буюк цирклари.

17.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
19.25 "...Мен яхши кўрмайман". Владимир Висоцкий ҳақида хужжатли фильм. 20.30 Эс-Эн-Си клуби таништилади. "Сариқ сувости кемаси".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатув. 21.30 Такрорий фильмлар кинотеатри. "Июлда ёққан ёмғир". (1966 й.). 23.15 "А" программаси.

("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

БИР ЙИЛДАН СЎНГ

Тахририятимизда истеъфодаги ички хизмат полковниги Армаис Григорьевич Гулянецнинг "Бой без выстрела" ("Отишмаларсиз жанглар") китоби сигнал нусхаси пайдо бўлди. Бу китоб "Постда" — "На посту" газетасининг кутубхонаси сериясини бошлаб берди.

Муштарийларимиз бир йил олдин тахририят ички ишлар идоралари фахрийсининг китобини нашр этиш учун ҳаракат қила бошлаганлигини яхши хотирлайдилар. Бу иш муваффақият билан якунланди.

"...Китоб милиция ходимларининг ёш авлодини тарбиялашда яхши ёрдамчи бўлиб қолиши шубҳасиздир, — деб ёзади китобга сўзбошида истеъфодаги генерал-майор М. Беглов. — Чунки қисса аввало ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги билан китобхонни ўзига жалб этади..."

Қиссани нашр этишда тахририят жамоасидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, ички ишлар идораларининг кўпгина фахрийлари ва ходимлари фаол иштирок этишди, китоб Самарқанд вилояти ҳокимлиги ички ишлар бошқармасининг буюртмаси бўйича "Зарафшон" нашриётида босилди.

Асар муаллифи Армаис Григорьевич Гулянец 1923 йили Самарқандда ишчи оиласида туғилган. У тўрт ешга тўлганда Ғарбий Сибирь ўлкасида "Бибиц" тўдасини тугатиш чоғида чекист акаси ҳалок бўлган эди, у Ачинск шаҳрида дафн этилган. Акасининг ўлиmidан гоётда таъсирланган Гулянец, ўзи ёзганидек, унинг изидан боришга қасам ичган. 17 ешида у кўнгили равишда Қизил Армияга кирди.

Полк мактабини битиргандан сўнг Гулянец Узоқ Шарқда хизмат қилди, уч йил ўтгач Тошкентга келди. Уни комсомол бўлгани учун ИИХКнинг I-болалар меҳнат колониясига тарбия ишига юборишди, 1942 йилда у ДХХК туманлараро бўлимида давлат хавфсизлиги лейтенанти унвонида катта тезкор вакил сифатида ишламоқда эди. Бу даврда Армаис Григорьевич "Жанговар хизматлари учун" медали билан тақдирланди. У узоқ йиллар давомида ИИХК — ДХХК — ИИБ туман, шаҳар бўлимлари ва бошқармаларининг офицери бўлиб хизмат қилди.

1971 йилда нафақага чиққан қалби дарё ва сергайрат Гулянец ишламасдан дам олиб ётишни ўзига эп кўрмади. Собик СССР

Ишончимиз комилки, қисса китобхонларнинг кенг доирасига манзур бўлади ҳамда ички ишлар идоралари ходимларида муайян акс садо уйғотади. Шубҳасиз, бахслар ҳам бўлади. Китоб ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди.

М.СУЛАЙМОНОВ.
Суратда: китобнинг сигнал нусхаси.



Электрон саноати вазирлигида Ўрта Осиё республикалари қурилиш бошқармасининг бошлиги бўлиб ишлай бошлади. Бу бошқарма қисқа вақт ичида Иттифокда 2-ўринни эгаллади.

Бироқ йиллар ўз таъсирини кўрсатди. Соғлиги ёмонлашгани туфайли қайта-қайта илтимос қилганидан сўнг А. И. Гулянец ўз вазифасидан озод қилинди.

Ватан унинг хизматларини муносиб тақдирлади. Гулянец "Қизил Юлдуз", "Ватан уруши" орденлари, тўртта "Жанговар хизматлари учун" медали, "ИИХК-ДХХКда 15 йиллик бенуқсон хизмати учун" ва "ИИХК-ИИБда 20 йиллик бенуқсон хизмати учун" медаллари билан мукофотланди. Ўз қиссасида фахрий ана шу мукофотларнинг тарихи ҳақида ҳикоя қилган.

— Бу китоб ҳаётимнинг якунидир, — деб эътироф этади бу йил 70 ёшни нишонлаган Армаис Григорьевич. У ҳали ҳам сергайрат. Қиссанинг нашр этилиши ИИХК тезкор вакилликдан вилоят ИИБ тезкор-қидирув бўлимининг бошлиғига қадар бўлган йўлни босиб ўтган истеъфодаги ички хизмат полковнигига тақдирнинг ўзига хос тухфаси бўлди. Ана шу хужжатли қисса уни нашр этишда қатнашган ҳаммамиз учун совгадир.

Сўзбошида таъкидланганидек, бу қисса, ички ишлар идораларида, афсуски, ўз мустақил фаоллигидан маҳрум бўлган тезкор-қидирув бўлимларига бағишланган дастлабки асардир.

"ЭКСТРАСЕНС"

КЕЛИН

(Хажвия)

Таътилга чиқдим. Бирор тинчроқ жойга бориб хордик олишга ҳозирланаётгандим. Дўстим Тожимамат йўлимга гов бўлди:

— Бош ўғлимни уйлантиряпман. Тўй кечасини ўзинг очиб, икки оғиз ширин сўз қилиб бермасанг бўлмайди. Биласанми, келинимиз Хуршидой ўткир экстрасенс, одамларни даволар экан. Хуснани қўявер, худди сутга чайқаб олгандек. Худого шукур, ўғлим Мусабекнинг бахти чоғди. Дам олиш бўлса қочмас.

Йигит кишининг сазаси ўлгунча, шайтоннинг бўйни узилсин. Кўндим.

Тўй куни. Келин келадиган ҳовли ёғ томса ялагундек қилиб супуриб-сидирилган. Стол, стуллар қўйилган. Дастурхон қуюқ. Келин билан куёв ўтирадиган жой меҳробига чўгдек гилам осилган. Ундаги Мусабек, Хуршидой ёзувларини "пир-пир" ёниб-ўчириб турувчи электр чироқчалари ёритган. Қариндош-уруғлар келин келишини сабр-сизлик билан кутяпти. Ниҳоят карнай-сурнай, ёр-ёр садолари остида келин келди. Кеча айбдорлари тўрдан жой олишди.

Мен тўй кечасини очиб, икки ёшга бахт тилаб жойимга ўтирдим. Сўнг келин-куёвнинг дўстлари бирин-кетин муборакбод эта бошлашди. Куй-қўшиқ, рақс бошланди.

Бир пайт қиз юзини очиб, куёв билан қадаҳ уриштирди, ичишди. Келин қайтиб юзини ёпмади.

Мен аста келинга қарадим. Ҳақиқатан сулув. Й-е! Танишга ўхшайди-ку, уни қаердадир кўргандайман. Яна қарадим. Келин ҳам менга тикилиб турарди... Ҳалати бўлиб кетдим. Қўлимдаги пиёла тушиб кетишига оз қолди. Наҳотки бу ўша...

... Эрталаб ишга кетаётгандим. Бекатларда одамлар гавжум. Четроққа чиқиб турган қиз машина йўлига қўндаланг туриб, шундоқ ҳаракатлар қилдики, тўхтамаслиқнинг сира иложи қолмади. "Бирор бахтсизлик юз бердимикин".

Тўхтадим. Қиз ёнимдаги ўриндикка ўтирди. Машинага камёб атир иси таралди. Бўй-басти келишган, қулоқларида олтин балдоқлар. Бўйида қимматбаҳо тақинчок. Қўлларида кўша-кўша узук. Оғзи тўла тилла тиш. Бир гапириб, ўн қулади. Лаби, икки юзига коп-қора хол.

"Ўзиникимикин?"

Қиз гап бошлади.

— Қаёққа борасиз?

— Институтга.

— Вақтингиз йўқми?

— Нимаиди?

— Кўнгилхушлиқ қилардик.

Гангиб қолдим.

— Нималар деяпсиз, қизим. Мен сиз айтган одамлардан эмасман.

У бошини орқага ташлаб, хандон отди. Чўчиб тушдим. Ёшгина қиз шунақа... Тавба... Кийини-шига қараганда дурустгина оиладан. Муҳтожлиги йўқ, майшат қилмоқчи бўлса ёшлар куриб кетибдими? Мени бошига урадим? Нияти нима экан? Бошимда минг хил ўй.

Шаҳар милиция бўлими биноси рўпарасига келганда у бирдан елкамга қўл ташлаб, деди:

— Тўхтатинг, мен тушаман.

— Хайрият-е.

Тўхтадим. Қиз елкамдан маҳкам ушлаб, мен томонга сурилди.

— Қани, домла, пулдан чиқаринг!

Қулоқларимга ишонадим.

— Нега?

— Тезроқ, аксинча, тақинчоқларимни тортиб олмоқчи, ўзимни олиб қочмоқчи, зўрламоқчи бўлди безори, деб дод-фарёд соламан.

У зирак, узукларини қўлига олди. Додлашга тайёр.

— Куруқ тухматингдан ўзинг асра. Бу яхшилиқка ёмонлик-ку, қизим? Бу ишингиз...

— Бас, кўп гапирманг! Лекцияни институтда талабаларингизга ўқийсиз. Додлайми? Дод!

— Йўқ, додламанг-е! Мен фан номзодиман. Олим одамман. Халқ ноибиман.

— Унда яна яхши. Чиқаринг, тезроқ, шарманда бўлмасдан!

— Ҳозир, мана.

Чўнтақларимни кавлаштираман, қўлларим қалтирайди. Қиз чаққонроқ экан. Ўзиям кавлашга ердлашворди. Юз эллик сўм чиқди. Бори шу.

У пулларни сумкасига жойлаб, буюрди:

— Нариги қўлингизни беринг.

Қўлимни узатдим. Нима қиларкин, томиримни кўрармикин десам, соатимни ечиб олди. Тилла соат эди.

— Хайр.

Эшик қарсиллаб ёпилганидан ўзимга келдим.

У зумда қўздан ғойиб бўлди. Меркаптафоз остида қолгандек гангман. Оёқ-қўлим қалтирайди. Анчагача рулга бошимни қўйиб ўтирдим. Ичимда додлардим. Овозимни чиқариб кўрай-чи! Бу ҳақда кимга, қайси юз билан айтасан?

... "Экстрасенс" келин ҳамон менга қараб-қараб кўярди. Мен тўйдан сугурилиб чиқдим.

Ҳозир дўстимга ачинаяпман. Нега дейсизми? "Экстрасенс" келин куёвга қўшиб, қайнона-қайнота, ҳатто уйни ҳам ечинтириб кетмаса дейман-да!

Тўхташ АШУРОВ.

ҲАНГОМАЛАР

ЎЗ УЙИМГА

(Детектив эмас)

Тонг отди.

Ёш, келишган йигит гиштин бино томон оҳиста борапти. У дарахт остида тўхтаб, атрофни бир-бир кўздан кечириб чиқди. Ҳеч кимса йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, уйга яқинлашиб, зангори парда тутилган деразани очди ва девор четига оёқ тираб кўтарилмоқчи эди, беҳосдан пайдо бўлган милиционер унинг билангидан маҳкам ушлади.

— Қаёққа?

— Уйимга, ўртоқ сержант, — пи-чирлади йигит.

— Ўз уйингга ҳам деразадан кирасанми?

— Ахир хотиним мени эшик олди-да кутиб ўтирган бўлса, нима қилай?

ШИЛҚИМ

Автобуста бир йигит чиройли қизнинг ёнига ўтириб, шилқимлик қила бошлади:

— Яхши қиз, сиз билан қаердадир кўришганга ўхшаймиз?

— Яқинда уйимизга ўғрилар тушганди, сиз ўшалардан бирига ўхшаб турибсиз, — деб жавоб берди қиз.

БАҲОНАКАШЛАР

Кайф қилиб, қўлтиклашиб кетаётган икки ўртоқ ўртасида шундай савол-жавоб бўлди:

— Идорамдагилар нега кеч қолдинг, дейишса жавобим тайёр:

касал бўлиб қолдим, дейман. Сен нима дейсан?

— Ошнамнинг касали юқди, деб қўя қоламан.

ТАЛАШ

Эр-хотин ит-мушук бўлиб жанжаллашиб олишгач, бир пас жим ўтиришди. Сўнгра нималарнидир ўйлаб ўтирган хотин эрига деди:

— Мен бу жанжалимизга икковимиз ҳам айбдормиз, деб биламан. Айниқса, сиз кўпроқ айбдорсиз.

— Йўқ, сиз кўпроқ айблисиз.

— Йўқ, мен эмас, сиз!!!

УЧИНЧИ БОР...

Қоровул оғбордан тахта ўғирлаб кетаётган ўғрини ушлаб олди:

— Ярама! Мен сенга кўрсатиб қўяман тахта ўғирлашни.

— Раҳмат сизга! — деди ўғри, астойдил миннатдорчилик билдириб. — Бунга қаранг, шу билан учинчи бор қўлга тушишим, тажрибангиз асқотса, сизиням қуруқ қўймайман.

ВАЗИЯТ НОТИНЧРОҚ


Ҳакам айланувчидан сўради:

— Айтинг-чи, нега айнан шу дўконга ўғирликка тушдингиз?

— Бошқа дўконларга қараганда уйимга яқинроқ, кейин уйимни қаровсиз қолдиргим келмади. Ўзингиз яхши биласиз, ҳозир вазият нотинчроқ.

Т. МУРОДЖОН.

Қидирилмоқда



Тошкентдаги Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан 1972 йилда туғилган, Садаф кўчаси 38-уйда яшаган **Илҳом Шмидтович Муродов** қидирилмоқда. У 1993 йил 6 мартда уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 174 сантиметр, қотма, сочи қора, ўртача узунликда, мўйлов қўйган, қоши ёйсимон, лаби қалин, кўзи қора, тишлари бутун.

Қора ип газлама куртка, ҳаворанг ип газлама шим, майка, оқ труси кийган, оёғида қора чарм этик бор эди.

И. Муродовнинг қаердалигини ёки унинг кейинги тақдири ҳақида бирор нарса биладиган ки-шилардан яқиндаги милиция бў-лимига ёки 02 телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.

Шахси аниқланмоқда

Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ҳудудидаги Хўжаариқ каналига ўлдирилиб ташлаб кетилган эркак кишининг шахси аниқланмоқда.

Эркак осие миллатига мансуб бўлган, бўйи 165-170 сантиметр, сочи қора, жингалак, орқага таралган, пешонаси кенг, қоши қора, қуюқ, ёйсимон, киприги ҳам сочи рангида, қуюқ, ўртача узунликда, мўлови қора, қалин, кўзи жигарранг, ҳамма тишлари бутун. Пастки жағидаги олд тишлари майда, бир текис, иккала томонида қозиқ тишлари бор.

Ҳаворанг жинси шим, ип газламадан оқ труси, оқ пайпоқ, синтетик чармдан қилинган қора камарда бўлган.

Бу киши ҳақида бирор нарса билганларнинг ҳаммасидан яқин орадаги милиция бўлимига, 02 телефони бўйича ва Оҳангарон тумани ИИБга хабар қилишларини сўраймиз.

ЭЪЛОН

1991 йилда Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 151-ўрта мактаб томонидан Ақром Аббосович Миразизов номига берилган А 522726 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида теришти ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 448, 34.859 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босингга топшириш вақти — 19.00. Босингга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.
Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.